



3

**Инсон умрининг заволи**



Фатхулла МАЪСУДОВ:

**Хаётда ҳам, сахнада ҳам одам бўлайлик!**

4

**Аллергия хавфлими?**



5



6

**ОТАМ ЙУҚ ДЕБ УКСИНМАЙМАН...**

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

### ОЛТИН БЕШИК

*Сен борсан, қувончи осмонда одам,  
Улан тўшагида мезбонда одам,  
Сенсиз аламзада, гирёнда одам,  
Ҳар ким паноҳ топган, ошён оила.*

*Гўдак ором олган олтин бешиксан,  
Туну кун очилган нузли эшиксан,  
Ҳар кимнинг қалбида битта кўшиқсан,  
Икки дил яратган дoston оила.*

*Аёлниг ҳаёси, эркак орасан,  
Болакайлар ўниб-ўсар жойисан,  
Бобосан, бувисан, дада, ойисан,  
Сен — митти “ватан”сан, қўрғон оила.*

*Яхшими, ёмонми, сиринг ўртада,  
Кичикми, каттами, еринг ўртада,  
Манглайдан тўкилган теринг ўртада,  
Мустаҳкам қалъасан, қалқон оила.*

*Энг оғир жазодир хиёнат сенга,  
Ярашур муҳаббат, садоқат сенга,  
Никоҳ бу риштадир, иноят сенга,  
Қадрингга етмаган поддон, оила.*

*Султонми, гадоми, даврони ўтар,  
Ким кимга тош отар, ким кимни туртар,  
Йиқилса кўрпача, болишни тутар,  
Ҳар бошда соябон, айвон оила.*

*Баъзида англамас кўнгил кўнгилни,  
Тақдир айро қилар ҳаётни, йўлни,  
Арсатда қолган қизни, ўғилни  
Не қилмоққа ожиз, ҳайрон оила.*

*Лекин тикандан ҳам гул кўп дунёда,  
Пиру бадавлатлар ҳақдан зиёда,  
Умр ўтаверар отда, пиёда,  
Ҳар унган ниҳолга ботгон оила.*

Лола УРОКОВА



## МЕҲРИНГИЗНИ ДАРИФ ТУТМАНГ!

Мамлакатимиз микёсида “1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўйлари” хайрия акцияси давом этмокда.

Табиатан орзу-ҳавасли халқмиз. Топганимизни тўйларга, яхшиликларга сарфлагимиз келади. Кимдир ўғил уйлантириш, кимдир қиз чиқариш, яна биров жажжи ўғилчасининг суннат тўйини ўтказиш учун тиниб-тинчимайди. Аммо орамизда ота-онасидан эрта айрилган, тақдир тақозосига кўра, ўғил уйлаб, қиз чиқаришга қўли калталиқ қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Улар ҳам бегона эмас, бировимизнинг қариндошимиз, кўни-кўшнимиз. Хуллас, юрагида бир олам орзу-истаклари бор. Шукрки, инсон қадри-қиммати баланд тутилган юртда яшаймиз. Орамизда бағрикенг, саховатли одамлар бисёр.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тобора фаоллик кўрсатаётган, миллий қадриятларимизни эъзозлаб, гўзал ва бетакрор аъналаримизни қайта тиклаш борасида кўплаб хайрли ишларни амалга ошираётган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, «Меҳр нури» жамоат жамғармаси ҳамкорликда Мустаҳкам оила йили муносабати билан савобли юмушга қўл урилди.

2



**«МАТБУОТ  
ТАРҚАТУВЧИ»**

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ —  
доимий ҳамкоримиз!

(Давоми. Боши 1-бетда)

"1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўйлари" деб номланган хайрия лойиҳаси доирасида ўзига хос миллий қадриятларни халқимиз орасида янада кенгрок тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустаҳкам ва бахтли оилалар жамиятимизнинг бойлиги ҳисобланади. Оиланинг асоси эса никоҳдир. Ушбу лойиҳага кўра, йил охиригача мамлакатимизнинг барча вилоятларида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали оилалар фарзандлари ёки ота-онасини йўқотган ўғил-қизларнинг никоҳ тўйлари ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг суннат тўйларини ўтказиш кўзда тутилган.

Лойиҳанинг дастлабки тадбирлари 25–27 март кунлари Навоий ва Қашқадарё вилоятларида уюштирилиб, 123 нафар келин-куёв бахт оstonасига қадам қўйди. Элга эл қўшилди, демакки, жамиятимиз яна шунча оила билан бойиди.

Суннат тўйлари — халқимизнинг

қон-қонига сингиб кетган удумлардан бири. Болажонларнинг унутилмас байрами. Навоий ва Қашқадарё вилоятидаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган 200 нафар болакайга ҳам ана шундай унутилмас лаҳзалар ҳада этилди.

3–5 май кунлари Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган "Асрлар садоси" аънавий маданият фестивалида Тупроққалбага ташир буюрган меҳмонлар 70 нафар келин-куёвнинг шодлигига шерик бўлишди. "1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўйлари" лойиҳаси ташкилотчиларининг саз-ҳаракатлари туфайли Чимбой, Кегайли, Кўнғирот, Амударё, Тўртқўл, Қонликўл, Хўжайли, Эллиққалба, Беруний ва Нукус туманларида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг хонадонларига файз, келин-

куёвларнинг яқинлари қалбига қувонч кирди. Етмишта янги оила кўрғонига асос солинди.

Уша куни айниқса, келинчақларнинг қувончи ичига сиғади. Улар эрталабданоқ тўй кўйлаклари, тақинчоқ ва аксессуарлар танлашди. Сир эмас, бундай либослар узатилаётган қизларимиз учун тўйдан аввалги энг катта ташвиш ҳисобланади. "1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўйлари" лойиҳаси асосчи-

лик уйларида тарбияланаётган 74 нафар болажоннинг суннат тўйлари ҳам жуда гўзал кайфиятда ўтди.

Навоий ва Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида ёшларга Фонд Форум томонидан осма соатлар, Gulī брендида оилавий тумор ҳамда лойиҳа муаллифи Гулнора Каримованинг табрик сўзлари битилган от-криткалар топширилди.

Гулнора Каримованинг ушбу ташаббуси маҳаллий ҳомийларни ҳам бефарқ қолдирмади. Хайрия акциясини қўллаб-қувватлашни истаганлар кўмаги билан Навоий вилоятидаги ёш оилалар учун юшмоқ мебель, плазмали телевизор ва никоҳ узуклари, Қашқадарё вилоятидаги оилаларга музлатгич ва телевизорлар тақдим этилди. Қорақалпоғистонлик ҳомийлар эса келин-куёвларга уй-рўзгор анжомлари, юшмоқ мебельлар тўплами, никоҳ узукларини ҳада қилишди.

Велосипед, спорт костюми, ўйинчоқ ва китобларни олган болажоннинг қувончи ичига сиғмасди.

"1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўйлари" лойиҳасининг навбатдаги тадбирлари айни кунларда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида давом этмоқда.

17 майдан 25 майгача мўлжалланган тадбирларда 200 жуфт келин-куёвларнинг никоҳ тўйлари, 200 нафар болажоннинг суннат тўйи ўтказилиши режалаштирилган.

Бу дунёда меҳрдек қайноқ тафт, ёруғ нур бўлмаса керак. Зеро, унинг ҳар бир қатраси олам жаҳонни мунаварр этади. Кўнгилни осмон қадар кўтариб, одамларни бир-бирига яқинлаштиради. Суннат тўйлари ўтказилаётган болакайларнинг нигоҳида ҳам эртанги кунга умид ва ишонч мужассам. Улар юртимиз қорига ярайдиган ўғлонлар бўлиб улғайганларида кўнгилларини меҳр, саховат нурлари ёритиб, тўлдириб туршишга шўбха йўқ.

Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА,  
журналист.

## МЕҲРИНГИЗНИ ДАРИФ ТУТМАНГ!



лари эса бу муаммони ҳам олдиндан ҳал этишган. Gulī бренди томонидан мазкур лойиҳа учун махсус яратилган бежирим, нафис оқ ва қаймоқранг либослар келинчақларни янада мафтункор қилиб юборди.

"Юз очар" ("Бет ашар") маросими ўзининг бетакдорлиги билан хорижлик меҳмонларни ҳам ҳайратга солди. Қадимий удумларга кўра, куёв тарафдан келган болакайлар қўлидаги мевали дарахт шохчаси билан келинчақлар юзига тортилган ҳарир пардани очишди. Уланчи оқинларнинг шўх лапарлари "Келин салом" оҳангларига уланди. Келинчақларнинг ўзига хос ибод ва ҳаёга йўғрилган назокатли саломи меҳмонлар олқишига сазовор бўлди. Ёшлар янги ҳаёт оstonасига қадам қўйишди. Тўйга тўй уланди. Меҳрибон-

## КАМЕРАЛ НАЗОРАТ

### хатоларни тузатишга имконият яратади

2008 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга кирган янги таҳрирдаги Солиқ кодексига камерал назорат тўғрисидаги 79-модда амалиётга татбиқ этилди. Унга эса солиқ тўловчилар томонидан солиқ ва молиявий ҳисоботларни тўлдирганда йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш тартиби йўқ эди. Солиқ ҳодимлари зиммасига камерал назорат ўтказиш мажбурияти юклатилиши билан солиқ ҳисоботларида йўл қўйилган арифметик хатолар, солиқ ставкалари ва имтиёзларни нотўғри қўллаш каби ғализликларни ўз вақтида тўғрилаш имконияти яратилди.

Камерал назорат солиқ тўловчининг молиявий ва солиқ ҳисоботини, унинг фаолияти тўғрисида солиқ идораларида мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга оширилади. У солиқ тўловчининг хузурига бормаё, давлат солиқ хизмати органи жойлашган ҳудудда бажарилади. Камерал назорат натижасида аниқланган камчиликлар солиқ органининг талабномасига асосан, 10 кунлик муддатда бартараф этилиши ёки тафовут сабаблари асосланганлиги ҳақида маълумот берилиши лозим.

Камерал назоратнинг асосий йўналишлари ҳисоботларда реқвизитлар тўғри тўлдирилганлиги, солиқ ставкалари тўғри қўлланилиши, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган товар айланма ҳисоботда кўрсатилган товар айланмага мослигини ўрганишдан иборатдир. Шунингдек, камерал назорат орқали солиқ имтиёзлари меърий ҳужжатларга асосланганлиги махсус рўқсатнома талаб қарздорликларни даромад таркибига қўшилганлиги каби масалалар тўлиқ ўрганилади.

Ўтган давр мобайнида солиқ идораларида камерал назоратнинг аниқ тизими яратилди. 2008 йилдан буён вило-

ятдаги ҳар бир корхонага ҳеч бўлмаса бир марта талабнома берилиб, хатоликлар бартараф этилди. Биргина 2011 йилнинг ўзида вилоятдаги 25 минг 350 та корхонанинг 31 мингдан зиёд ҳисоботида реқвизитлар нотўғри тўлдирилганлиги, 10 минг 546 та корхона томонидан 42,9 млрд. сўм солиқ ва мажбурий ажратмалар кам ҳисобланганлиги аниқланиб, талабномалар асосида қўшимча ҳисобланган сумманинг 41,2 млрд. сўми ундириб олинди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 4223 та корхонага 13,1 млрд. сўм қўшимча ҳисобланди ва 11,6 млрд. сўм ундириб олинишига эришилди. Мисол учун, Ўзбекистон туманида жойлашган "Пахта тозалаш заводи" ҳиссадорлик жамиятига 47 млн. сўм ер солиғи ставкалари нотўғри қўлланилганлиги учун ҳисобланган. Бундан ташқари, "Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга асосан меҳнатда шикастланиш, ногиронлик бўйича пенсия харажатларини қоплаш харажатлари бўйича ҳисобот тақдим этилмаганлиги учун ҳам қўшимча маблағ ундириб олинган.

Бир сўз билан айтганда, камерал назорат ҳам давлатнинг, ҳам солиқ тўловчиларнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилади. Бундан солиқ тўловчилар тўғри хулоса чиқаришлари, солиқ органларнинг талабномаларига ўз муддатида жавоб беришлари лозим. Йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш ва тақдорлашлик чораларини қўриш келгусида юзага келиши мумкин бўлган камчиликларнинг олдини олишда жуда ҳам муҳимдир.

Баҳром ОБИДЖОНОВ,  
Фарғона вилоят ДСБ  
Ахборот хизмати бошлиғи.

## Солиқ фаолияти

Кўрик-танлов

## «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Мустаҳкам оила йили" ҳамда Халқаро оила куни муносабати билан Тошкент шаҳар ҳркимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими, "Оила" маркази, "Қамолот" ЕИҲ ҳамкорлигида "Энг намунали ёш оила" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

— Оила аҳлининг маънан етуқ, биллими, салоҳиятли бўлишида, фарзандлар тарбиясида ҳам ўзига хос муҳт яратишда, уларнинг Ватанга садоқатли этиб тарбиялаб, китоб, санъат, маданият ва спортга бўлган муносабатларини шакллантиришда, айниқса, қавму қариндошлар ўртасида самимий меҳр-оқибат, ахиллик ва тотувлики мустаҳкамлашда бу каби танловларнинг ўрни беқиёс, — деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова тадбир иштирокчиларини кутлаб.

Танловда асосан 10–15 йилдан бери аҳил ва иноқ яшаб, ўз фарзандларини тарбиялашда бошқаларга ибрат бўлиб келаётган ота-оналар фаол иштирок этишди.

Ниҳоят кўпчилики хаяжонга солувчи лаҳзалар этиб келди. Нуфузли ҳайъат аъзолари бир овоздан Яккасарой туманидаги Абдулла Авлоний номли маҳаллада истиқомат қилувчи Дилором ва Абдусалом Муталовлар оиласини танловнинг мутлақ ғолиби деб эълон қилишди. Чилонзор туманидаги Дўмбироқов маҳалласидан Рустамжон ва Матлуба Эрматовлар оиласи эса биринчи ўринга сазовор бўлди.

Тамара ХУММАМАНОВА,  
"Оила ва жамият" муҳбири.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва "Оила" илмий-амалий маркази ташаббуси билан пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида "Жамият тараққиётида оиланинг ўрни" мавзуида ўтказилган анжуманга оилашунос олимлар, докторантлар, магистр ва талабалар, мутахассислар тақлиф этилди. Анжуманда сўзга чиққанлар оила мустаҳкамлигини таъминлашда таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда кенг жамоатчилик ҳамкорлигини ўрнатиш, нотинч хонадонларда таълим ва тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, ёш келин-куёвлар ўртасидаги ахилликини таъминлашда ибратли оилалар тажрибасидан фойдаланиш ҳусусида ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Нигора РАҲМОНОВА,  
"Оила ва жамият" муҳбири.

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган "Намунали харбий оила" аънавий кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда тўққизта оила вакиллари иштирок этди. Ҳайъат аъзоларининг хулосасига кўра, биринчи ўрин Шарқий харбий округ вакили, капитан Муҳаммадсодиқ Маматов оиласига насиб этди.

Ғолиблар махсус диплом ва қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Содиқ АБДУЛЛАЕВ.

# АРМОНЛАР УШАЛГАН КУНЛАР КЕЛДИ

— Ушанда 8-синфда ўқирдим, — дейди доришунос Равшан Расулов биз билан суҳбатда. — Бувим дотоб бўлиб, шифохонада узок вақт даволанди. Уларга керакли бўлган айрим дори-дармонлар ушанда анконинг уруги экан-да, отамнинг дорини излаб бормаган дори-дорихонаси қолмади. Бувим бечора шу матаҳ топилсади, албатта оёққа туриб кетарди, дея ўқтин-ўқтин гапириб қўярди. Улар сўнгги нафасида отам ва менга қараб “Шу неварамни, албатта доришуносликка ўқит. Мендай эҳтиёжманд беморлар жонига оро кириб, умрини узайтирсин”, дея васият қилгани эсимда. Армон билан айтилган ушбу сўзларни сабаб, келажакда доришунос бўлишга аҳд қилдим. Ушанда мактаб кутубхонасидаги доришуносликка оид китобларни битта қолдирмай ўқиб чиққанман. Кутубхоначи опа менга

доривор усимликлар ҳақида ёзилган китобларни топиб қўяр, ҳатто ҳазиллашиб “кичкина доришунос” деб қўярди. Равшан ака мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, Тошкент фармацевтика институтининг талабаси бўлди. Дарслар, сессиялар, изланишлар билан бир зумда талабалик ҳам орта қолди. Институтни тугатган ёшлар учирма кушлар каби турли вилоятларга тарқалиб кетди. У эса Бекобод туманига қарашли Зафар кўрғонидagi 45- сонли марказий доришуносга йўланма олди. Шу йили у ота-она розилиги ва кўнгил майли билан Гўзалхон исмли кизга уйланди. Шоир “Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал”, деганидек, Равшан аканинг доим оиласидан кўнгил тўқ. Мана оила курганига ҳам роппа-роса 29 йил бўлибди.

Мустақиллик шарофати туфайли у

1994 йилда биринчилардан бўлиб “Нихол” номидаги хусусий доришуноси ишга туширди. Бешта иш ўрни яратди. Айни кунда у республикамиздаги дори-дармон тайёрловчи компания ва фирмалар билан ҳамкорликда аҳолига 400 хилдан ортиқ дори воситаларини етказиб бермоқда.

Иш жараёнини кузатар эканмиз, Равшан аканинг ҳар бир харидорга олаёт-



ган дори-дармони ҳақида сидқидилдан тушунтириш, маълумот беришларини кўриб, ўз касбининг фидойиси шундай бўлиши кераклигига ишондик. Айниқса шу жамоада хизмат қилаётган ёшларга мураббийлик қилишда ҳам бошқаларга ибрат бўлаётир, десак ишонаверинг. Корхона ҳовлиси саражон-саришта, чаман бўлиб очилиб ётган турфа гуллар ифори ҳаммаёқни тутиб, мижозлар дилини қувонтиради.

Дарвоқе, бугунги қахрамонимиз туманда амалга оширилаётган хайрли ишларда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оила вакилларидан тез-тез хабар олишни қанда қилмайди.

— Менинг ниятим, энди доришуносларда ўз касбининг ҳақиқий фидойилари, малакали мутахассислари ишлаши керак. Чунки ҳар бир дори воситасининг

## Замондошларимиз

ўрин алмашиши беморларга катта муаммолар келтириб чиқариши мумкин-ку! Кўп кузатганман, айрим жойларда ҳамкасбларим доришуносга умид билан келган одамларга қўпол муомала қилишдан ташқари, рецетп бор-йўқлигини ҳам сўрамасдан қандай қилиб бўлса-да, ўз молини сотишни ўйлаб дуч келган дорини тутқазиб юбораверади. Бу эса, эртага яна қандай оғир оқибатларга олиб келишини ўйламайди. Шунинг учун мен ҳамisha мижозлар билан очик мулоқот қилишдан эринмайман, — дейди суҳбатдошимиз.

Равшан акани таниган билганлар қизик бир гапни айтишди. Яъни туманда онасини чексиз хурмат-иззат қиладиганлардан бири у киши экан.

— Равшанжоним отасига тортган. Раҳматли умр йўлдошим Рустам ака ҳам яқинларига ниҳоятда меҳрибон инсон эди, — дейди саксонини қоралаб қолган Азиза ая фахрланиб. — Олманинг остига олма тушади, деб бежиз айтилмаган экан-да, унинг фарзандлари — невараларимнинг ҳам кўнгли, юраги меҳрга тўла. Илоё кўз тегмасин. Биз бир замонлар шундай кунларни орзу қилардик. Яратганга минг шўқри, армонларим ушалди, тушларимга ҳам кирмаган давру давронларни кўриб юрибман. Тинч-осойишта, тўкин ва фаровон замонда юзларга кириб юрсанг арзийди. Болаларимга ҳам бизларнинг ёшимиз насиб этсин!

Аянинг айтишларича, у кишининг ўзи ҳам бир умр ёшларга сабоқ бериб, ўқитувчи деган юксак номни шарафлаган педагоглардан бири бўлган экан. Шу сабаб невараларининг аъло ўқиб, етук мутахассис бўлишларида бувижонларининг хизматлари катта экан. Равшан аканинг фарзандлари Муҳаббат, Одилжон, Олимжонлар бошқа сохалар бўйича ўқиб, ишлаётган бўлишса-да, оталарининг кўрсатган йўл-йўриқлари ўзлари учун дастури амаж эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

**НИГОРА ҲУРОВА,**  
“Оила ва жамият” мухбири.  
Тошкент вилояти.

Реклама ўрнида

## Меҳр қолур...

### “САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ” САФАРДАН ҚАЙТДИ

Аввал хабар қилинганидек, 17–23 май кунлари “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ва “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК ҳамкорлигида сафарга чиққан “Саломатлик” поезде Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари худуди бўйлаб, яъни “Тошкент — Деҳқонobod — Ақробот — Дарбанд — Кумқўрғон — Тошкент” йўналишида бугун пойтахтимизга қайтиб келади. АҚШнинг “Амери Керз”, “Томс Шутс”, “Каунтерпарт”, Корея Республикаси КОFН халқаро хайрия жамғармалари, ОАЖ “Novopharm plus” қўшма корхонаси, “Ўзбексанот” ДАК, “Дори-дармон” АК, ОАЖ “Нестле-Ўзбекистон” қўшма корхонаси, “Поль-фарма” ОАЖ, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, “Дори таъминот” МЧЖ ва яна бир қанча ташкилотлар ҳомийлигида уюштирилган мазкур тадбир давомида юқори малакали шифокорлар гуруҳи аҳолига зарур тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишди. Тиббиётчилар билан бирга жойларда жамғарманинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари тиббий патронаж бригадаси ходимлари ҳам аҳолига беминнат хизмат кўрсатишмоқда. Анъанавий хайрия акцияси доирасида аҳолига ва даволас профилактика муассасаларига инсонпарварлик юкларини сифатида озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат 200 донна пакет, кийим-кечаклар, дори-дармон ва тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари ҳамда тиббий функционал кроватлардан иборат мурувват ёрдамлари етказиб берилди.

Шунингдек, жамғарманинг автоамбуланс машиналари орқали мазкур худудлардаги барча “Мурувват”, “Меҳрибонлик” ҳамда “Саховат” уйларига, шу билан бир қаторда марказий шифокорлар, вилоят болалар туғруқ комплексларига ҳамда кўзи ожиз, ақли заиф ва кар-соқов болалар махсус мактаб-интернатларига ҳам хайрия ёрдамлари уюштирилди.

**Барно МИРЗААХМЕДОВА,**  
“Оила ва жамият” мухбири.

Жорий йилнинг апрель ойидан эътиборан, “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилишни чеклаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қучга кирди.

Алкоголли ичимликларга муккасидан кетиш оқибатида инсон аввало ўзининг соғлигидан, қолаверса, умр бўйи мисқоллаб йиққан обрўси-эътибори, энг ёмони, оиласидан мосуво бўлиши ҳеч гап эмас. Афсуски, ўзини идора қила олмаслик, енгилтабиатлилик ва но-боп улфатларга қўшилиш оқибатида қанчадан-қанча навқирон йигитлар ичкиликка муккасидан кетиб, ўзларининг ёш умрларини хазон қилишди.


...Анвар ҳам бошқалардек бир дунё орзу-умидлар билан университетни битириб, яқинда ишга келган иктидорли ёш кадр эди. У нуфузли идорада катта маош билан иш бошлади. Истеъдодли ходим сифатида тез орада жамоа раҳбарларининг ҳам назарига тушди. Ҳамма унинг ўткир зехни, ноёб қобилиятига офарин айтарди. Соҳасига оид ҳар қандай чигал муаммони ҳал этиш унга чўт эмасди. Аммо ноқобил дўстларининг сохта мулозаматлари, айниқса, иродасизлиги туфай-

# ИНСОН УМРИНИНГ ЗАВОЛИ

ли аста-секин ичкиликка ружу қўйди. У аввал бошда яширин ҳолда бир-икки қадаҳ билан чекланган бўлса, кейинчалик ўзини идора қилолмайдиган даражага етди. Ёш йигитнинг ичкиликбозликка мойиллиги дастлаб ишхонадагиларга маълум бўлди. Ишга вақтида келмаслик, берилган топшириқларни бажармаслик оқибатида раҳбарларнинг кўзига ёмон кўриниб қолди. Қайта-қайта огоҳлантиришлардан кейин ишдан бўшашга мажбур бўлди. Ичкиликнинг касофати туфайли оилада халоват йўқолди. Икки боласи билан хотини ота-онасиникига кетиб қолди, гулдай оила барбод бўлди...

Ҳўш, алкогольга берилиш қайси замонда кишига обрў келтирган, ёки саломатлигини кафолатлаган? Йўқ, ҳеч қачон, бу оғуға гирифтор бўлган кимса борки, йўқлик— жарлик сари кулаган холос. Тиббиёт нуқтани назаридан қараганда ҳам спиртли ичимликларни мунтазам равишда истеъмол қилиш биринчи навбатда сурунқали касаллик, яъни алкоголизмга мубтало бўлади.

Ичкиликка беришган киши-



нинг на оила даврасида, на жамоатчилик орасида обрўси бўлади. Энг дахшатлиси, ана шу дарди бедавога йўлиққанларнинг ақсарияти йиллар ўтиб, қабих жиноятларга қўл уриши аниқланган. Бу эса уларнинг фарзандлари тақдирини ҳам бир умр тамга бўлиб қолади.

Маълумотлардан аниқланишича, алкогольдан балосига йўлиққанларда асосан бошлан-

гич, ўрта ва сўнгги босқич аломатлари кузатилади экан. Бошланғич босқичда киши алкогольга нисбатан ҳаддан ортиқча майл кўрсатади, ичаётган спиртли ичимлик микдорини назорат қила олмай қолади. Ўрта босқичда алкогольга бўлган чидамиллик (толерантлик) кескин ошади, оқибатда унинг хумори тутиш ҳолати юзага келади. Сўнгги босқичда эса алкогольга чидамсизлик, муттасил ичишнинг даврий тус олиши, руҳий ва жисмоний заифлашиш, нерв ва ички аъзолар фаолиятининг издан чиқishi, хотира ва эс-хушдан айрилиш ҳолатлари рўй беради.

Ичкиликнинг захарли таъсири инсон организмда моддалар алмашинуви, айниқса витаминлар алмашинувининг бузилишига олиб келади. Кўп ичадиган одамда кўзлар хиралашиб, қулоқлар оғирлашиб қолади. Ичкилик айниқса жигарга зарарли таъсир кўрсатиб, бедаво хасталиклардан бўлган жигар циррози юзага келади. Шунингдек, ичкилик ички секреция безлари ва биринчи галда жинсий безларга зиён келтиради. Мудом ичиб юрган

## Қонун ва ижро

кимсалар барвақт кексайиб, ногирон бўлиб қолади.

Шу ўринда алкоголь маҳсулотлари аёллар организмига бундан-да кескин салбий таъсир кўрсатишини таъкидлаб ўтишни истардик. Муттасил ичкиликка берилган хотин-қизлар тез қарийди, пушти сусайиб, ҳомилдорлик пайтида ҳар хил асоратлар кўпроқ учрайди. Ақсарият ҳолларда улардан тугма нуқсонли фарзандлар дунёга келади.

Бугунги кунда мамлакатимизда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсонлар соғлигига зарарли таъсирлари хусусида мунтазам равишда тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу каби хайрли тадбирларнинг барчаси юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш баробарида, соғлом ва баркамол авлоднинг дунёга келтириш, тарбиялаш — давлат аҳамиятига молик долзарб масала эканлигидан далолат беради.

**Данонон ИШОНОВА,**  
Шайхонтоҳур тумани  
1-сон ДНИ катта нотариуси.  
**Зулфия НИЗАМУТДИНОВА,**  
нотариус.

— Фатхулла ака, санъаткор учун қобилият ёки қизиқшининг ўзи етарли деб ўйлайсизми? Ёки ҳар бир ижодкорнинг шунга яраша характери, маънавий дунёси ҳам бўлиши керакми? Омад-чи?

— Албатта, Оллоҳ ҳамма инсонни ҳам маълум миқдорда қобилиятли қилиб яратади. Кимдир санъатда беқиёс, кимдир техниканинг миридан сиригача яхши билади, яна кимдир ҳунарда тенги йўқ қўли гул уста. Аммо қобилият ҳам тарбияланмаса, тўғри йўналтирилмаса, у очилмаслиги мумкин. Санъат соҳасида эса актёрдан яхши характер, хусусият, ирода, маънавий етуқлик талаб этилади. Агар ана шундай фазилатларнинг ҳаммаси етарли бўлса-ю, омад кулмаса, бу ҳам ёмон. Тасаввур қилинг, Яратган 10–30 нафар ўзини иқтидорлиман деб юрганлар орасидан сизни ёқимли қилиб қўйса, ижодингизнинг гуллаб-яшнаши, ўзингизни намоён этишингиз йўлида яхши режиссёр, меҳрибон устозни йўлқитирса, мухлисларга истарангизни иссиқ қилиб кўрсатса, бу энди, омаднинг келгани эмасми?

— Актёрларни, менинг назаримда, уч тоифага бўлиш мумкин: биринчиси — роль ўйнаётганида, матни фақат ёдлаб айтиб бераётганини томошабин барибир ҳис қилиб туради. Иккинчи тоифага мансублар ўзига режиссёр томонидан юкланган вазифани тайёргина сценарийдан чиқмаган ҳолатда қойилмақом қилиб бажаради. Яна бир, ўзига хос тоифа вакиллари ҳам борки, улар образдан, қахрамон характеридан келиб чиқиб, ролга ижодий ёндашишга ҳаракат қилади, натижада ана шу актёрлар томошабинда кўпроқ таассурот қолдиради.

— Аслида сиз айтётган уч тоифа аъзолари ҳам ўзига яраша иқтидорли. Чунки матни ёдлаб, кўп сонли томошабининг олдига чиқиб ижро этиш ҳам осон эмас. Лекин сиз алоҳида урғу бераётган актёрлар турма ижодкорлар тоифасига мансуб десам янглишмайман. Улар ўз қахрамонлари тақдирини шу қадар ҳаётий равишда сингиб кетадики, мухлис беихтиёр ана шу асар рўйи билан яшайди. Йиғласа йиғлайди, кулса кулади. Бундай бахт фақат Оллоҳ юқтирган иқтидор соҳибларигагина насиб этади. Халқимиз бундай мақомга эга актёрларни қадрлайди, бошига кўтаради. Шукри, ана шундай дарғалар номи бизнинг театр тарихида муҳрланиб қолган. Уларга муносиб ворис, шогирд бўлмоқ осонмас.

— Одатда спектакль ё фильм томоша қилганда, табиийки, улардаги воқеа-ҳодисалар, қахрамонлар тақдирини агар халқона очиб берилган бўлса, бевосита томошабиннинг руҳиятига, ички дунёсига жиҳдий таъсир кўрсатади. Хўш, бу ҳолат ижрочи-актёрларда қандай кечади? Айнан сиз яратган образлар ичида юрагингизни тўлқинлантирган ва баъзан фикр-қарашларингизни ўзгартирганлари ҳам борми?

— Албатта, актёрни халққа яқин қиладиган, танитадиган жиҳатлардан бири ҳам аслида ана шу жиҳат деб ўйлайман. Керак бўлса, нафақат саҳнада,

Унинг қахрамонлари худди ўзи каби фикрлаётган, изтироб чекаётган, дунёга ҳақиқат кўзи билан нигоҳ ташлаётган, эзгуликка йўл ахтараётган одамлардир. У ижро этаётган турфа тақдирлар, қиёфалар атрофдагиларни ўйлантиради, инсон ва ҳаёт ҳақида жиҳдийроқ бош қотиришга ундайди, шу билан бирга, қалбимизга хушнудлик, эзгулик бахш этади. Образлари руҳиятига теран кириб бориши, саҳнада уларнинг қиёфасида яшашига интилиши актёр ижросидаги ролларни бизга суюмли қилади — уларни қадрлаймиз, қувончига шерик бўлиб, қалтис лаҳзаларда ҳамдард бўлгимиз келади. Бугунги суҳбатдошимиз — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Фатхулла Маъсудов.

Фатхулла МАЪСУДОВ:

## ҲАЁТДА ҲАМ, САҲНАДА ҲАМ ОДАМ БЎЛАЙЛИК!



балки ҳаётда ҳам қахрамонлар ҳаёти билан яшаган, нафас олган актёрларгина шуҳрат қозонади, қадр топади. Шу маънода мен ҳам шу кунгача баҳоли қудрат ўзим ижро этган роллардан илҳом олганман, таъсирланганман. Иккиланмасдан айтсам бўлади, маълум маънода улар мени руҳлантирган ҳатто тарбиялаган ҳам. Масалан, “Тойчоқ” видеофильмидаги ўғил ўз отасига қўл кўтаради ва уни ўлдиришгача боради. Буни чин маънода ҳис қилган одамнинг қалби ларзага келади. Шу ролдаги аянлик кечмишлардан руҳан таъсирланганман. Ичимда нобакор ўғилга нисбатан даҳшатли нафрат уйғонган. Шунингдек, “Усмон Носир” спектаклида ёш, истеъдодли, миллатпарвар шоир бадри устида ишлаганимда, унинг ҳақиқатпарварлиги, ноҳақликка чидай олмаслиги менинг руҳиятимга қаттиқ таъсир этиб, характеримга кескин таъсир кўрсатган. Ёки севимли шоиримиз Ойбек доманинг мураккаб ҳаётига бағишланган “Адибнинг умри” спектаклида бош ролни ўйнадим. Биламизки, улуғ ижодкор ўта сабрли, кечиримли, оғир, вазмин, шу билан бирга ширинсўз, ҳозиржавоб, хушхулқ инсон бўлган. Улуғ ижодкорнинг бетақдор фазилатларидан руҳланганман, ва бу ҳолатни саҳнада талқин этиш орқали қалбимга қулоқ тугтанган.

— Биламизки, сиз кўп йиллардан буён театр, кино ва дубляж соҳасида ҳам ижод қилиб келясиз. Бу мураккаб жараёнларнинг қай бирини ўзингизни кашф этиш имконияти пайдо бўлди деб ҳисоблайсиз?

— Раҳматли Шукур Бурҳонов “Театр — бу лаборатория” деган ажойиб иборани кўп такрорлар экан. Ҳақиқатан ҳам театр жуда катта синов майдони. Биз бу даргоҳда ўз қобилиятимизни синовдан ўтказамиз, меҳнат қиламиз, изланамиз. Ҳар гал зукко томошабин имтиҳонидан ўтамиз. Кино, дубляж, театр — буларнинг ҳаммаси бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Лекин театрнинг ўз йўриги ҳамда улкан масъулияти, жавобгарлиги бор.

— Актёрлик истеъдодини сўндирадиган нарса нима?

— Биринчи навбатда кибру ҳаво, манманлик, юлдузлик касалига чалиниш санъаткорни хароб қилади. Қолаверса, камтарга камол деб бежиз айтишмаган. Ҳозир ҳам бизнинг театримизда шундай хокисор, баррикенг, оққўнғил инсонлар борки, уларга ҳавасим келади. Ҳеч қачон мақтанмайди, энг муҳими, ўзидан катталарни ҳам, кичикларни ҳам ҳурматини жойига қўяди.

— Газетамиз йўналишидан келиб чиқадиган бўлса, сизнинг назарингизда оилада мувозаанатни ким тўтиб туради?

— Ҳеч муболағасиз айтиш мумкин, эр ҳам, хотин ҳам. Халқимизда яхши бир одат бор. Хонадон устунни, бошлиғи ота ҳисобланади. Отанинг вазифаси ниҳоятда улуғлигини фарзандлар онгига сингдириш биринчи навбатда ақли, фаросатли оналар қўлида, тўғрими? Менинг назаримда уйдаги маънавий-моддий мувозаанатни тўғри бошқаришда эракнинг донолиги, тадбирли ва шу билан бирга, қаттиққўлигага аёлнинг меҳрибонлиги, ғамхўрли-

Гурунг

ги, зийраклиги, саранжом-саришталиги эш бўлади деб ўйлайман. Агар ота яхши бўлиб, она фаросатсиз бўлса, ё она оқила-ю, ота субтсиз бўлса, бу хонадонда, билинги, муҳит бузилади. Икки томон ҳам бир-бирини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турса, шу оила мустаҳкам бўлади, ҳамма ҳавас қилади.

— Ўз отанонгиз бу масалада қандай ибратли амалларга қўл уришган?

— Раҳматли отам Ҳусан Маъсудов ўта камтарин, ҳалол, ёмонликни тез унутадиган, багрикенг инсон эдилар. Келинларига ҳам жуда меҳрибон бўлганлар. Ҳалигача кўпчилик гапириб юришади, тўрт келинни ўз қизларидек ардоқлаганлар. Масалан, қизимиз уч ойлик бўлганида рафиқамнинг ўқиши бошланиб қолган ва отам ҳар куни чақалоқ она сүтидан мосуво бўлмасин дея, уни машина билан университетга олиб борганлар. Ҳаётда бўлади-ку, баъзан аёлим билан бирон бир масалада тортишиб қолганимизни сезиб қолсалар, мени қаттиқ койирди. “Ота, ахир айб мендамас, келиннинг гизда-ку” десам, “Ҳеч қачон биринчи бўлиб бошқани айблама, хатони ўзингдан қидир”, дердилар. Онаноним Мухаррам ая ҳам кўнглидарё, фариштали инсон эдилар, Оллоҳ раҳмат қилсин. Маҳалла-кўй, қариндош-уруғлар, ҳамма ҳозиргача ширин хотиралар билан эслаб юришади. Фарзандларим — Гулноза, Ҳабибуллоҳ ва Абдуллоҳнинг таълим-тарбиясида бизга суянчиқ бўлишган.

Худога минг қатла шукри, бугун энди бизнинг ўзимиз бобо, бувимиз. Гулноза қизимиз неварамиз Абдулазизни кўтариб уйимизга келиб қолган куни байрам бошланади. Аёлим Гулираёно билан ўзимизни қўярга жой топа олмаймиз. Чунки биз ўзбеклар фарзандимиз камолдан яйраб, унинг бахтидан кўнглимиз осмон қадар юксаладиган халқимиз-да.

«Оила ва жамият» муҳбири Шаҳноза РОҒИЕВА суҳбатлашди.



**БАСИР** — тилимизда кўриш қобилияти йўқ, кўзи ожиз кишига нисбатан “басир” сўзи қўлланади. Бирок, айнан шу “басир” сўзининг илк маъноси “ўткир кўзли”, “ўта сезгир” деган маъноларни англатиши изоҳли луғатда таъкидланган. Битта сўзнинг мутлақо бир-бирига қарама-қарши мазмунни ифодалашга галати.

**Ахир шунчалик басир эмас-ку, йўл бўйида турган одамни кўрмайдиган.**

Журналдан

**ХАРТУМ** — тилимизда филнинг ҳидлаш, нафас олиш ва озиқ олиш учун хизмат қиладиган аъзоси “хартум” сўзи билан ифодаланади. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”-да изоҳланишича, “хартум” сўзининг туб илдиизи “жуда катта бурун” деган маънони англатган.

**Филнинг хартуми ниҳоятда ўзига хос аъзо бўлиб, унинг гаройиб хусусиятлари бор.**

Журналдан

**ХАЙРИЯТ** — бу сўз тилимизда фаол қўлланилади. Бирон яхши хабар эшитсак, “Хайрият-э!” деймиз. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича бу сўз “яхшилиқ”, “яхшилиқ экан-э” каби маъноларни англатади.

**Хайрият, бир шамол бўлди-ю, булутни ҳайдаб кетди.**

Саид Аҳмадининг “Уфқ” романидан

**Бобур кўзини очганини сезиб, Қосимбек унинг тепасига келиб деди: — Хайрият-э!.. Амирзодам бизни мунча кўрқитдингиз?**

Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли туллар” романидан

**КўНФИРОҚ** — “Кўнфинок” сўзи асли товушга тақлиддан пайдо бўлган деб изоҳланади. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да. Яъни, қадим замонларда “кўнғур-кўнғур” деган товушга тақлидан шу сўз ҳосил бўлган.

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

Биз кўпинча кўзимиз ёшланиб қичишиши, тинмай акса уриш ёки қуруқ йўтални шамоллашга йўйиб, шифокорга мурожаат қиламиз. Тавсия этилган бир қатор кучли антибиотиклар ҳам жонимизга оро кирмагач, қайта-қайта текширувдан ўтамиз. Аммо бу аллергиянинг белгилари бўлиши мумкинлигини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Хўш, аллергия ўзи нима? У қандай касаллик? Унинг олдини олиш мумкинми? Ушбу саволларга Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиника маслаҳатхонаси шифокори, алерголог Зиёда Раҳимова шундай изоҳ берди:

— Аксарият ҳолларда инсоннинг нафас йўллари дастлаб касалликка чалинади, яъни алергик трахеит, алергик ринит, бронхал астма кабилар. Булардан ташқари, бу хасталикнинг териди учрайдиган ҳар хил дерматит ва эшакеми каби турлари ҳам мавжуд. Барча алергенлар шартли равишда икки асосий гуруҳга: организмга ташқи муҳитдан тушган алергенлар (экзоаллергенлар) ва одам организми тўқималарининг шикастланиши оқибатида ҳосил бўлган алергенлар (эндоаллергенлар) ёки аутоаллергенларга бўлинади. Экзоаллергенларнинг ўзи бир неча турларга: уй-рўзгор, гулчанги, овқат, дори препаратлари,

факчалар ва қичишиш пайдо бўлади.

**Овқат алергенлари**га кўпинча тухум, сут, пишлоқ, шоколад, ёнғоқ, асал, цитрус мевалар, спиртли ичимликлар, қўй, товуқ гўшти, балиқ, икра ва шу каби маҳсулотлар киради. Шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, баъзи одамлар озиқ-овқат маҳсулотларининг икки ё уч хили, ҳатто бирданга бир қанчасига сезгир бўлиб қолади.

**Дори алергенларининг** ривожланишида қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эга: дори моддаларига ва юборилган дори микдорига организмнинг туғма мойиллиги. Кўпинча алергик реакциялар дори моддаларини катта дозаларда узоқ

Соғлиғимиз — бойлиғимиз



кўчага чиққанда ёки деразани очганда бурунда санчиқли оғриқ туради ва кучли аксириш безовта қилади. Касаллик айниқса, ўсимликлар ва баъзи бир дарахларнинг гуллаш мавсумида зўраяди. Профилактик мақсадда бундай беморларга турар жойини мавсум тугагунча вақтинчалик бўлса ҳам алмаштириш тавсия этилади. Шу билан бирга уларга гистаминга қарши препаратлар, гипосенсибилювчи даво буюрилади.

— **Аллергия оқибатида қандай касалликлар келиб чиқади?**

## АЛЛЕРГИЯ ХАВФЛИМИ?

ювувчи ва косметик воситалар таркибидаги алергенларга ажратилади.

**Уй-рўзгор алергенлари** чанг орқали хуруж қилади. Улар асосий алергенлардан бири бўлиб, микроскоп остида қаралганда кўп ҳолларда кийимларнинг майда заррачаларидан, уй ҳайвонларининг туки, ёғоч қипиқлари ва бошқалардан иборат бўлади. Шу майда заррачаларнинг ҳар бири ёки уларнинг барчаси бириктиб, аллергия пайдо қилиш хусусиятига эга. Уй ҳайвонларидан итлар, мушуклар, кемирувчилар, балиқлар, қушларда ҳам алергенлар бўлиши мумкин. Чунки уларнинг туқлари, тангачалари, қасоқлари одам учун ёт модда ҳисобланади. Алергенларга яна пат, момик, турли замбуруғлар (могор, пўпанаклари) ни ҳам киритиш мумкин. Булар шамол эсганда тарқалиб, нафас йўллари орқали инсон танасига тушади.

**Гулчанги алергенлари** — табиатда, бизни ўраб турган атроф-муҳитда жуда кўп тарқалган. Шамол ва ҳар хил ҳашаротлар уларни юзлаб чақиримларга таркатади. Шунинг учун бу алергенлар тез тарқалиб кетади ва кўз шиллик қавати, бурун, трахея, бронх ва ўпка алергиясининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Гулчанги ҳатто терини ҳам зарарлайди: тери усти қизариб, тугунчалар, пу-

муддат қабул қилиб келаётган кишиларда содир бўлади. Бу ҳатто анафилактик шок ҳолатига олиб келиши ҳолатлари ҳам кузатилади. Ҳар қандай дори реакцияни вужудга келтириши мумкин, лекин кўпинча антибиотиклар, сульфаниламидлар (норсульфазол, фталазол, сульфадимезин ва ҳоказо), аспирин амидопирин, бутадин, аминозин, мишьяк, йод препаратлари, зардоблар ва айниқса, қоқшолга қарши зардоблар, гаммаглобулин реакция беради. Дори алергияси эшакем, дерматит (терининг яллиғланиши), ринит, конъюнктивит, бронхал астма, мигрень кўринишларида юз беради.

**Полиноз** касаллик конъюнктивит, ринит ва унга қўшилиб келадиган астма типидидаги нафас қисши белгилари билан характерланади. Кўпинча конъюнктивит ва ринит бир вақтнинг ўзида ёки олдинма-кейин юзага келади. Бунда одатда беморнинг кўзига бирон «ёт» нарса тушгандек бўлади, қовоқ соҳаси куняётгандек хис қилади, ёруғликка қарашга қўрқади, кўз қичишади, аксиради ва кўздан кўп ёш оқа бошлайди. Орадан 3—5 кун ўтгач, конъюнктивит кескин зўраяди, қовоқлар шишади, кўзда қаттиқ санчиқ туради ва босимли оғриқ пайдо бўлади. Бурундан мўл-кўл шилмишқ — сувсимон суюқлик ажралади, битади, айниқса

— Сурункали аллергия билан касалланган беморлар унинг олдини олмаслик ёки қарши муолажа қилмаслик оқибатида бронхал астмага кучдор бўлиши мумкин. Бронхиал астманинг типик ва характерли белгиси — нафас бўғилиши хуружларидир. Айрим касалларда нафас бўғилишдан олдин томоқ қирлиши, бурун қичишиши, аксириш, йўтал кучаяди, айниқса нафас олиш оғирлашади. Қуруқ йўтал хуружи тутайди ёки у бироз балғамли бўлиб, ўпкада яллиғланиш белгилари эшитилади. Астмага чалинган аксарият беморларда хуруж йилнинг мавсум вақтларида тутайди. Бронхиал астманинг ўткир хуружи одатда адреналин, эфедрин, зуфиллин препаратларини инъекция қилиш йўли билан тўхтатилади.

— **Касалликнинг олдини олиш учун қандай чоралар қилиш зарур?**

— Махсус вакцинал проба қўйилиб, алергенларнинг тури аниқланиб, бир йилда бир марта уч ой давомида схема бўйича махсус вакцина қилинади ва касалликни қўзғатувчи маҳсулотлардан парhez қилиш тавсия этилади. Ушбу касалликни махсус иммунотерапия ёрдамида бутунлай йўқотиш мумкин. **“Оила ва жамият” муҳбири** **Латофат САЪДУЛЛАЕВА** сўзбўталади.

## БЕПУШТЛИКНИНГ ДАВОСИ БОР

Эркалик бепуштлиги бирламчи ёки иккитламчи бўлиши мумкин. Бирламчи бепуштлиқ деб қачонки шу эркадан бирорта ҳам хомиладорлик кузатилмаганда, иккитламчи бепуштлиқ бўлса, эрканинг ҳаёти давомида ҳозирги ёки бошқа никоҳдан бирорта хомиладорлик кузатилмаса айтилади.

Маълумотларга кўра, бепуштлиқнинг ҳар иккала турининг ҳам тарқалиши бола туғиш ёшидаги жуфтликларда ўртача 15% ни ташкил қилади. Ушбу муаммо бўйича мурожаат қиладиганлар 4-17% ни ташкил қилади. Бепуштлиқнинг ярмида эркадан нуқсон борлиги аниқланади. Кўп ҳолатларда аёллар барча тиббий текширувлардан ўтиб, керакли даво чораларини кўради. Лекин аксарият эркалар бўйин товлайди.

Бепуштлиқда ҳимояланиши жинсий ҳаётнинг давомийлиги — оилар сони аҳамиятга эга. Уч йилдан кам вақтдаги бепуштлиқ ҳолатларида табиий хомиладорлик кузатилиши имкониятлари катта ҳисобланади. Урологлар томонидан қуйидаги касалликларнинг хомила бўлишига таъсири исботланган: қандли диабет, потенция ўзгаришига олиб келувчи асаб касалликлари, сперма ҳосил бўлиши ва ажралишидаги бузилишлар, сил касаллиги сабабли сперма ҳаракатига таъсири бўлган моятда ва простата безидаги яллиғланишлар, юқори нафас йўллари касалликлари. Тана ҳарорати 38 градусдан кўтарилганда сперма ҳосил бўлишини 6 ойгача камайтириши мумкин. Охириги маълумотларга кўра тана ҳарорати кўтарилиши сперматозоид жароҳатланиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Баъзи беморларда ҳар қанақа оператив муолажалардан кейин ҳам бола қилиш хусусияти вақтинча камайиши мумкин, айниқса муолажа умумий оғриқсилантириш остида олиб борилганда сперматогенезда (уруғ ҳосил бўлишида) ўзгаришлар 3-6 ойгача давом этиши мумкин.

Бепушт никоҳлар билан мулоқотда жинсий йўл билан юкувчи касалликлар, паротит, крипторхизм, варикоцеле, моятлар лат ёйиши каби ҳолатлар ўтказганлиги муҳим аҳамиятга эга. Касалликлар орасида варикоцеле касаллиги алоҳида ўрин эгаллайди. Эркалик бепуштлиги сабаблари орасида варикоцеле 39%ни ташкил қилади.

Булардан ташқари сперматогенезга интинсив нурланиш ва нурланиш давомийлиги таъсири юқори. Атроф муҳит юқори ҳарорати, симоб, кадмий ва бошқа оғир металллар, пестицид, гербицид каби химикатлар билан узоқ вақт ишлаш ҳам сперматогенез сусайишига олиб келади. Чекиш ва спиртли ичимликлар сперма ҳосил бўлишини камайтиради, бундан ташқари эркалик жинсий гормони тестостерон ҳосил бўлишини камайтириши билан жинсий мойиллигини сусайтиради.

Беморлар диагностикасида жинсий аъзолар кўриги, лаборатор текширувлардан сперма анализи, МАР — тест, гормонлар текшируви (ФСГ, пролактин, тестостерон, ЛГ), қон ва сийдик анализлари спермага таъсир қилувчи системали касалликлар диагностикаси учун муҳим ҳисобланади. Зарур бўлганда қўшимча инструментал текширув методлари термография, рангли ультратовушли доплерография, жинсий аъзолар ультратовуш текширувлари ва моятлар биопсияси амалиётлари бажарилади.

Насл қолдириш хусусияти бу организм соғломлиги кўзгуси ҳисобланади (худди чехра кўнгил кўзгусидек). Агарда сиз соғлом турмуш тарзини олиб борсангиз, тўғри овқатланиш тартибига риоя қилсангиз, организмнгизда туғма анатомик аномалиялар аниқланмаса, уруғдон яллиғланиш касалликлари, уларнинг жироқлатлари кузатилмаган бўлса, сизнинг бахтли ота бўлиш имкониятингиз юқори ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, эркалик бепуштлиги қанчалик даражада муаммолигига қарамадан, ўз вақтида мутахассисга мурожаат қилинган ҳолатларда юқори ижобий кўрсаткичларга эришиш мумкин.

**Баҳодир РАҲМАТУЛЛАЕВ,**  
1-Тошкент шаҳар клиник шифохонаси  
урология бўлими шифокори,  
тиббиёт фанлари номзоди.

**ОЛТИ ЙЎНАЛИШ  
ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ**

Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номили маданият ва истироҳат боғида “Мустаҳкам оила — жамият таянчи” мавзуида фестивал ўтказилди. Халқ сайли тарзида ўтган тадбирга вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан тақлиф этилган кўплаб оилалар ташриф буюришди.

Тадбирни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Нигора Якубова очди. Фестивал доирасида ўтказилган “Энг ибратли оила”, “Энг пазанда оила”, “Энг хунарманд оила”, “Энг аҳил оилавий ансамбль”, “Энг намунали қайнона-келин” кўрик-танловлари ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Олти йўналиш бўйича танлов голибларига ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**  
“Оила ва жамият” муҳбири.

**РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА**

**«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази**

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.	Элита парда ва чойшаблар тиқиш — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тиқиш олий курси — 1 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.	Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.	Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.	Тикувчилик — 2-3 ой.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).	Инглиз тили — 3 ой.
Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.	Рус тили — 3 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.	Бисер, яъни мунчоқ тиқиш — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.	Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.	Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.	Интернет — 1 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.	<b>Барчаси амалиёт билан</b>
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.	Етоҳхона мавжуд.

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.**

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзея 1-уй 31-хона.  
МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).  
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қуйлик кийим бозори рўпарасида.  
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99897 785-90-30 (кундузи)

Кечагина беташвиш югуриб юрган, эс-хуши кўғирчоқлару, ширинликларда бўлган беғубор қизча эдим. Дадам опичлаб боғчага олиб борганлари, ҳар кеч ишдан қайтганларида менга атаб ширинликлар олиб келганлари, касал бўлганимда тун бўйи онам билан бирга бошимда ўтириб чиққанлари, мактабга борганимдан сўнг эса дарсларимни тайёрлашга ёрдам берганлари... Буларнинг барчаси ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Менинг мактабни аъло баҳолар билан тамомлашимга ва қийналмасдан институт талабаси бўлишимга ҳам у киши сабабчилар.

Очиғи, онамдан ҳам кўпроқ дадамни яхши кўрардим. Мен доимо аъло ўқишга, укаларимга меҳрибон ва одобли қиз бўлишга, хуллас, барча ишда бу инсонни хурсанд қилишга интилардим.

Мана шундай илиқ туйғулар, яхши инсонлар ва файзли кунлар оғушида вояга етдим. Оламда мендан бахтли инсон йўқ эди гўё. Бироқ бир кам дунё деганлари рост экан. Яқинда жондан азиз бўлган дадам ва учала укамнинг ҳам менга ўғай эканликларини билиб қолдим. Бундан жуда эсанкираб, ўзимни йўқотиб қўйдимки, буни сўз билан тасвирлашга ожизман.

Эшитишимча, ўзимнинг дадам онам билан турмуш қургач, бир раққоса қизни севиб қолиб, мен бир ёшга тўлар-тўлмас ажрашиб кетган экан. Кўп ўтмай онам фарзандсизлик туғайли оиласи бузилган одамга, яъни, ҳозирги дадамга турмушга чиқибди. Ўшандан бошлаб у киши онам ва менинг энг яқин инсонимизга айланган эканлар.

Ўйлаб қарасам, шу пайтгача дадамнинг ўғайлигини ҳечам сезмаган эканман. Чунки у киши укаларимни қандай яхши кўрсалар, мени ҳам шундай эъозлайди. Бу зот менда ўзимга нисбатан ишонч уйғотиб, ҳар жабҳада намунали қиз бўлишимга мадад бўлди. У кишининг бегона эканлигини билгач, жуда сиқилган бўлсамда, аммо бу баргикенг кишига нисбатан меҳрим янада ортди.

Яқинда тўйим бўлади. Мен шундай оқибатли, меҳрибон инсоннинг таълим-тарбиясини олиб улғайганимдан ва ўзга уйга у кишининг оқ фотихаларини олиб кетаётганимдан бахтиёрман.

**Фарида БОТИРОВА,**  
талаба.

Айтишларича, менинг ота-онам ажрашганида эндигина 6 ёшга қадам кўйган эканман. Дадамнинг юз-кўзлари, чиройли эркалатишлари бир умр юрагимга муҳрланиб қолган. Чунки ўшанда айни меҳрга ташна дадларим эди-да. Бошида дадам биздан тез-тез хабарлашув турарди, кейинчалик эса...

Уни жуда соғинардим, онамдан сўрасам, "Узоқ жойга ишга кетган, сен ақли бола бўлсанг, у албатта келади", дерди. Кейин эса мендан аширинча йиғларди. Кўриб қолсам, бирор жойини оғриётганини баҳона қиларди. Буни кейинчалик тушунганман.

Ёшим улғайган сайин дадамни кўришдан умидимни уз-

**Бу дунёда ҳар жиҳатдан тўқис, бахтли инсонлар камдан-кам учрайди. Балки шу бири камлик учун ҳам, қалбимизга яқин кишиларнинг бизга қанчалар азизлигини англай ва қадрлай биламиз.**



## ОТАМ ЙЎҚ ДЕБ ЎКСИНМАЙМАН...

дим. Аммо...

Бир куни байрамда онам билан хиебонга бордик. Ўйнаб юриб, тўсатдан дадамни кўриб қолдим. Ёнида бир аёл ва иккита қизча бор эди. Барибир чидаб туrolмадим. Югуриб ёнларига бордим-да, "дада-жон" деб қақирдим. У киши мени кўрдилару, бирдангина қизариб кетди, сўнг шоша-пиша ҳалиги шерикларини етаклаб, кетиб қолди.

Ишонасизми, шу кундан бошлаб кўнглимда дадамга нисбатан дахшатли алам ва нафрат уйғонди. Мени ёлғиз онам тарбиялади. Мени деб ҳатто қанча жойдан совчилар келишса ҳам турмушга чиқмади. Биргалиқда жуда кўп қийинчиликларни бошдан ўтказдик. Яхшиямки, жондай азиз бўлган тоғажоним бор экан. Унинг қўллаб-қувватлаши ва онамнинг табалчанлиги билан мактабда жуда яхши баҳоларда ўқидим. Битиргач, грант асосида талаба бўлдим. Тоғамга оғирлигимиз тушмаслиги учун кундузи ўқиб, кечаси ишлаш бошладим. Чунки у кишининг фарзандлари катта бўлиб қолишган, ташвиши ҳам ўзига етарли эди. Йигит киши ҳаракат қилса, Худо унга мадад бераркан. Буни ўша пайтлар қийинчиликларни енгиб чиқар дадларимда англаганим. Хуллас, йўлимда қанча тўсиқлар чиқса ҳам, чин дилдан интилсам, машаққат билан бўлса-да ниятимга етардим. Олдинда бир хонали уйимизни икки хонали қилдим, кейин онам тўйим учун ҳаракат қилиб пул йиғишимни уқтирдилар.

Университет ректорининг қизи билан курсдош эдик. Бир-биримизни ёқтириб, оила қурдик. Бошида таниқли одамнинг қизини танлаганимдан ҳадиксирардим. Аммо аёлимни тўйдан кейин ҳам ўша-ўша яхши инсонлиги, қалби тозалиги, айниқса, онамга қилган муомаласини кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Ишим яна-пиша ҳалиги шерикларини етаклаб, кетиб қолди.

Бир куни ишхонада ўтирсам, не ажабки, мени дадам излаб келибди. Чикдим, у киши ҳаяжонланиб, не дейишни билмай анча вақт кучоқлаб роса йиғлади. Айтишимча, у энди бир пайтлар йўл қўйган хатолари учун тавба-тазарру қилиб, мени сўраб келган эмиш. Барибир кўнглим ёришмади. Кетаётиб, бундан сўнг бордикли килиб туришимизни тайинлаб, тўртта ўғай сингилларимга ақалиқ қилишимни ўтириб сўради. Мен зўрға "Ўйлаб кўраман" дедим холос...

Бугун жуда бахтлиман. Онам, суйган ёрим, севимли касбим, қийин кунларимда ёрдам берган яқинларим ёнимда. Энг асосийси эса икки ўғлимга намунали ота бўлаётганим, дея ишонч билан айта оламан.

**Ақмал БАРНОЕВ,**  
тадбиркор.

Отам автохалокатга учраб, вафот этганларида 18 ёшда эдим. Укаларим ҳали ёш

бўлганликларини сабаб рўзгор тебратиш, онамга кўмак бериш асосан менинг зиммамда эди. Шунинг учун мактабни тугатгач, ўқишни давом эттиришни хаёлимдан чиқариб ташлаб, бозорда аравақашлик қилдим. Аммо онамнинг фаррошиқдан топган пуллари, менинг эса эришмаган маблағим, иккаласини қўшганда ҳам рўзгор тебратишга етмасди. Кейин амакмининг ўғилларига қўшилиб, ўзимни савдога урдим. Бошида бу ишим ҳам ўхшамай турди. Бир-икки йил ўтиб, бу менга катта наф келтирди. Оилавий аҳволимиз анча тикланиб, қийинчиликларни унутгандек бўлдик. Бош фарзанд бўлган мени учун онам мени тезроқ уйлантиромоқчи бўлдилар. Севган қизим йўқлиги сабаб у киши сўраб-суриштириб, яхши бир оиланинг қизини танлагач, унга уйландим.

Тўнғич қизим туғилгач, ишларим янада юришиб, бундан ҳатто ўзим ҳам шошиб қолдим. Бир қанча вақт ичида Худо менга бир йигитга керак бўлган барча нарсани, балки унданан ортигини тортиқ қилди.

Аммо мингдан-минг афсус... Бу бахтдан ҳаволаниб кетдим. Ўзимни кўярга жой топпай қолдим. Бетайин-тутурусиз дўстлар орттирдим. Онамнинг куйиниб қилган панду насихатлари ҳам менига қор қилмади. Айниқса, аёлимни, унинг оиласидагиларни роса камситардим. Қайнона-қайнотамни ҳеч бир байрам ёки туғилган кунда ҳатто телефон орқали ҳам йўқламасдим. Уйда

### Тақдир сўқмоқлари

зиёфат уюштирсам, уларни тақлиф қилиш туғул, мабодо келиб қолишса, тузукроқ саломлашишга ҳам ярамасдим. Қайнотам тўғри йўл кўрсатмоқчи бўлганида, жеркиб, беҳурмат қилганимни эсласам, ҳали ҳам виждоним қийналади.

Бора-бора шунчалик кайфу сафога берилиб кетибманки... Уйимдагилар бундан чарчашганини сезмабман ҳам. Бир куни тунда уйга кириб келсам, аёлим ухламасдан кутиб ўтирибди. Мен ўша куни сабабсиз жанжал чиқардим. Ҳе йўқ, бе йўқ, уни роса дўппослабман. Эрталаб уйғонсам, онамнинг ялинишларига ҳам қарамай, хотиним болаларимни олиб, отасиникига кетиб қолибди. Мен эса ҳар доимгидек бепарволигимча юравердим. Бир куни дўстларим билан тоғда дам олиш учун йўлга чиқдик. Йўл-йўлакай ҳаммамиз спиртли ичимлик ичдик. Бизга қўшилиб, хайдовчи ҳам маст бўлиб қолганини сезмабмиз. Дара оралаб катта тезликда келаётган машинамиз рўпарадаги "Камаз"га зарб билан урилди. Бундан бошқасини эслолмайман. Уч кун ўтиб шифохонада ўзимга келиб, бошимда онамни кўрдим. Ё тавба, қисқа вақт ичида у киши шунчалик озиб-тўзиб кетибдиларки, агар ички сезги бўлмаганда, танимасдим ҳам. Ўшанда мен учун ўзимнинг аҳволимдан, танамдаги қучли оғриқлардан кўра онамнинг шундай аянчли аҳволга солганим оғирроқ эди.

Ҳалокатдан сўнг эшитсам, фақатгина мен тирик қолибман. Аммо чалажон бўлиб қолгандим. Жиддий текширувлардан сўнг шифокорлар операциядан кейин юриб кетишни мумкинлигини, бу эса бошқа давлатда амалга оширилиши кераклигини айтишди. Менинг оғир кунларим бошланганди.

Дўстим деб ишониб юрганларим аҳволимни кўриб мени ташлаб кетишди. Уйим ва машинамдан бошқа нарсам менга тегишли эмасди. Мана шундай қийин кунларимда эса қайнотам ёнимда тиргак бўлиб, бир отадан ортиқроқ хизматини қилдилар. Наилож, чет элга даволанишга кетдим. Қайтиб келиб, ҳаётнинг яна бир зарбасига дучор бўлдим — мушфиқ онам мени деб сикхиласиқила инсультга чалиниб, оламдан ўтибдилар. Бунга эса бардос беришни қийин бўлди.

Укаларим бирин-кетин шартнома асосида ўқишга кирган эди. Уларга ва оиланинг камчиликларига қайнотам ёрдам бериб турдилар.

Инсон қоқилмасдан туриб ўз хатосини тушуниб етмас экан. Мен юриб кетганимга қадар бир йил ногиронлик аравасига миҳланиб қолдим. Шу вақт давомида яқинларимсиз аслида мен ҳеч ким эмаслигимни чин дилдан ҳис қилдим.

Ҳозир ўзимни анча тиклаб олдим. Қайнотам ёрдамиде укаларимни уйлантирдим, синглимни узатдим. Шундай яхши-ёмон кунларимда мадад бўлиб, отам ўрнида ота бўла олган қайнотамдан бир умр миннатдорман.

**Шавкат ҲОШИМОВ,**  
Самарқанд.

**Гулноза БОБОЕВА**  
тайёрлади.



## АТИРГУЛ ОЛТИНДАН ҚИММАТ!

Боғлар ва ҳовлиларимиз чиройини очиб турувчи атиргуллар тарихи ҳам жуда кўнадир. Тадқиқотчилар, хатто бу гуллар тарихи қадимийликда инсоният тарихидан тахминан 34 миллион йиллар илгарилаб кетган, деган фаразани ҳам ўртага ташламоқдалар. Қазилма ишлари натижасида қадимги ёввойи атиргул барглари тошларга қоришиб кетган, тошларга айланиб кетган қолдиқлари топилган ва уларнинг ёши 50 миллион йилга тенглашар экан.



Маданийлашган атиргулларнинг ёши эса 5000 йилни бўйлаб, айна кунга қадар уларнинг 300 атрофида тури ва 30 минг атрофида нави аниқланган.

Атиргул АКШ, Англия ва Эроннинг миллий гули ҳисобланади.

Шимоллий ярим шарда ўстирилган атиргулларнинг барча синфлари, яратилган янги навлари уларнинг кашфиётчилари томонидан номланган. Ернинг Экватордан пастки қисмида эса азалдан униб чиққан бирорта ҳам атиргул синфи бўлмаган. Яъни, кейинчалик бу ҳудудларда пайдо бўлган атиргуллар Ш и м о л л и й ярим шардан келтирилган гуллардир.

Атиргулнинг энг қадимий тасвирларидан бири К р и т оролидан топилган бўлиб, унинг тарихи тахминан эраимиздан аввалги 2000 йилга бориб тақалади.

Дунёда энг кўп атиргул етиштирувчи халқ французлар ҳисобланади. Атиргуллар билан энг кўп савдо қилувчилар голландлар бўлса, атиргул мойини ишлаб чиқариш бўйича болгарлар дунёда етакчилик қилади.

Дарвоқе, аёллар парфюмерияси таркибининг 98 фоизини, эркеклар парфюмериясининг 46 фоизини атиргул мойи ташкил қилади. Табиий атиргул мойи энг қиммат маҳсулотлардан бири саналади, яъни ҳаҳон бозоридан олтин ва платинадан ҳам қимматроқ. Бир килограмм атиргул мойи олиш учун ўртача уч тонна гулбарг керак бўлади.

Наргиза СИДДИҚОВА  
тайёрлади.

## УМИДИМИЗ СИЗЛАРДАН

— Кенжа қизим Дилором бизнинг раёйимизга қараб, яқин қариндошимизнинг ўғлига турмушга чиққанди, — дейди тахририятимизга келган аёл. — Нимасини айтасиз, етти йиллик турмуши давомида уч марта ҳомиласидан айриди. Охири ажралишга мажбур бўлди. Онани яратмасин экан. Унинг кейинги тақдирини ўйласам, бу дунёга сифмат қоламан. Шунинг учун кўнмасаям унинг ўзини ҳам олиб келдим.

— Дилоромхон, ёшингиз нечада? Қонуний ажрашганми сиз?— дея ердан кўзини узмай ўтирган жувонга юзландик.

— Ёшим 35 да, сурхондарёликмиз. Мана, ҳужжатларим. Никоҳимизнинг бекор қилинганлиги ҳақида суднинг қарори ҳам бор. Маълумотим олий.


— Сингилжон, — дея яна онаси суҳбатга қўшилди. — Бир-икки фарзандли, хотини қазо қилган эркек бўлса, қизим улардан меҳрини аямасди. Ўзи ёшлигидан укаларини парваришда қанотимга кириб, болажон бўлиб ўсган. Ушаларга меҳр берса, шоядки, Худойим сийлаб, унинг ўзи ҳам фарзанд кўрса, армоним қолмасди.

## ФЕЪЛИ ЎЗГАРМАДИ

Маҳмуда муҳандис эди. Уртоқларим "Олий маълумотли қизга уйлансанг оилада хотининг ҳукмрон бўлади", деб ҳазил қилишарди. Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дейди, деганлари рост экан. Оила қурган кунимиздан бошлаб унинг тўйдан аввалги феъл-атворидан заррачаюм яхши жиҳати қолмади. Уйда сўзи сўз, гапи гап бўлишини истарди. Кетма-кет фарзандларимиз туғилди. Онам бечора ачиниб "Бу хотининг билан яшасанг, ҳеч қачон қосанг оқармайди. Эртанги кунингни ҳам ўйла, жон болам. Дунёда хотинидан ажрашадиган битта сен эмас-ку", дерди. Барибир фарзандларимни кўзим қиймади. Уларни деб тишимни-тишимга босиб чидаб яшадим. Аёлим нуфузли ташкилотда ишларди. Болагидан фарзандларим тарбияси билан ўзим шуғулланганим учун ҳаммаси атрофим-

да парвона эди. Лекин вояга етгач, улар ҳам онасининг измига кириб, оилада яққалиниб қолавердим. Ўғилларим уйланиб, оиламизга келин келса аҳвол ўзгарар деб чакки ўйлабман. Хотиним яқин дугонасининг бир йўла икки қизини ўғилларимга келин қилди. Аҳвол янада чигаллашди. Уйда ҳар кун жанжал чиқараверди. Охири ажралишга қарор қилдим. Хотиним ҳам рози бўлди.

Шундан сўнг ота-онамдан мерос



Бахтли бўлинг!

бўлиб қолган ҳайхотдай ҳовли-жойда ёлғиз ўзим қолдим. Мана шунга ҳам ўн йил бўлибди. Ёшим 60 да. Фарзандларим ўзларидан тинган. Уй-жойим етарли, яхшигина жойда ишлаяпман. 50 ёшгача бўлган, меҳрибон, вафодор, инсоний фазилатлари қадрлайдиган аёл учраса, уйланоқчиман.

## БИР ФАРЗАНДИМ ИККИТА БЎЛДИ

Мансур билан университетда ўқиб, бир-биримизга кўнгили қўйгандик. Охири курсни битираётганимизда уйимизга унинг ота-онаси совчиликка келиш-

ди. Шу кун отам жиянимникига тўйга кетганди. Унаштирилгач, отам билан танишган қанда томондагилар "мол қайтар" қилмоқчи бўлишди. "Отасининг қўлида оқ доғлари бор экан. Насл сурса унда нима бўлади", дейишбиди. Мансурнинг уйланса, фақат Гулсанамга уйланаман, деб оёқ тираб олиши сабаб никоҳ тўйимиз бўлди. Елиб-юғуриб уй юмушларини бекаму кўст бажарардим. Бир кун қайнонамнинг қўшни аёлга отам ҳақида "Шу ...билан қуда бўлганим учун ўглимни асло кечирмайман. Келинимнинг уддабуронлиги ҳам ўз йўлига. Бундан кўра, отаси соғ бўлса-ю, узатган оёғини йиғмасам ҳам, қўлини совуқ сувга урмасам ҳам бошидан сув ўғириб ичардим. Ҳар дардим ичимда", деяётганини эшитиб қолдим.

Тепамдан бир челақ қайноқ сув қуйгандай, юрагим қуйиб кетди. Қўлим ишга, оғзим ошга бормай қолди. Эримга айтгандим. "Тўғри гап туққанингга ҳам ёқмайди-да", деди. Бора-бора отамнинг нуқсонини пеш қилиб, дилимга озор бериш улар учун одатий ҳолга айланиб қолди. Қўлимда икки ярим ёшли қизим, кўзимда ёшим билан қонуний ажрашдим. Орадан олти йил ўтгач, дугонамнинг маслаҳати билан "Оила ва жамият" газетасига зарур ҳужжатларни қўшиб хат йўлладим. Менга чап оёғи оқсоқлидан юрадиган, олий маълумотли, хотини қазо қилган, ёлғиз ўғилли Қосимжон деган йигитнинг телефон рақамини беришди. Учрашдик. У Хоразм вилоятининг чекка туманида яшар экан. Ота-онамга ҳам маъқул бўлди. Мустаҳкам оила йили бизлар учун ҳам кутул келди. Бахтли яшаямиз. Бир фарзандим иккита бўлди. Сизларга ташаккур.

ГУЛСАНАМ,  
Хоразм вилояти.

## ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

## ҚУЛУПНАЙ — ЕРТУТ

Халқ табобатида қулупнайнинг мева, барг ва илдииздан тайёрланган қайнатма ва дамламалардан камқонлик, атеросклероз, гипертония, подагра, жигар ва буйрак, сассиккекирдик, гижжа, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси каби турли хасталикларни даволашда қўлланилган.

Қулупнай меваси сут ҳамда шакар билан аралаштирилиб берилса, болалар организмни мустаҳкамласа, шарбати асабни тинчлантиради, юрак мушакларига дармон бўлади, юрак ва мия томирларида қон ҳаракатини яхшилайди.

Меваси ва шарбати камқонликда ниҳоятда фойдали. Шамоллашда шарбати ёки мураббоси истеъмол қилинса, ҳароратни туширади ва терлатади.

Сассиккекирдикда: 1 ош қошиқ миқдорда қулупнайнинг қуритилган барги устига 200 г сув қуйиб, 20 дақиқа қайнатилади. Сўнг сузгичдан ўтказилиб, совуқга, илиқ ҳолида томоқ фарғара қилиб турилади.

Солитер номли гижжани туширишда: қулупнайни кўпроқ еб, устидан селёдка ҳамда пиёз истеъмол қилинса, гижжани туширади.

Подагра, жигар ва буйрак тош касалликлариди: 1 ош қошиқ қулупнай баргини 1 стакан сувга солиб, 10 дақиқа қайнатилади. Кейин сузгичдан ўтказилади. Қайнатмадан кунига 3 маҳал овқатланишдан ярим соат олдин 1 ош қошиқдан ичилади. Ёки 2 чой қошиқ майдаланган баргини (шунча миқдорда илдииздан фойдаланса ҳам бўлади) 1 стакан қайнаган сувга солиб, 45 дақиқа дамланади. Кунига икки маҳал 1 стакандан ичилади.

Лобар СОБИРОВА,  
доришунос.

## ТабиаТ — дорихона

► Сабзавотларни қанча кам вақт, салқин, қуруқ жойда сақласангиз, унинг таркибидаги витаминлар шунча кўп сақланади.

► Ошқўқларни ишлатишдан олдин оқар сувда ювиб, қайнатиб, совутилган шўр сувга, 1-2 томчи сирка томизиб, сўнг унга ивитиб қўйинг.

► Сабзавотларни пишираётганда ва консервалаётганда қанчалик йирик тўғрасангиз, ундаги озиқ моддалар шунчалик кўп сақланади.

► Редискани истеъмол қилишдан олдин 15 дақиқа сувга ивитиб қўйинг.

► Музлаткичдаги ноҳуш ҳидни йўқотиш учун унга бир бош пиёзни тозалала солиб қўйишингиз мумкин.

► Петрушкани илиқ сувга солиб ивितсангиз, унинг хушбўй ҳиди уфуриб туради.

► Лакланган мебелнингизда тирналган излар бўлса, ўша жойни йодга ботирилган пахта билан бўяб олишингиз мумкин.

► 1 литр сувга 1 шиша сирка аралаштириб, ушбу суюқликка намланган салфетка билан юмошқ мебелнингизни тез-тез тозалаб туришингиз лозим.

► Лакланган мебелларни намланган мато билан асло арта кўрманг, у хиралашиб қолади. Яхшиси духоба билан тозаланган маъқул.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.



Мадина НОРЦАЕВА,  
Чироқчи тумани Шўруқдўк  
касб-хунар коллежи ўқувчиси.



## ЎЗБЕК АЁЛИ

Оллоҳнинг ердаги фаришталари,  
Меҳр-муҳаббатнинг мангу тимсоли.  
Асли сиз оламда буюк мўъжиза,  
Миллатнинг гурури — ўзбек аёли.

Сиз борки юракда орзу барқарор,  
Кўкда қўёш нури сиз деб сочоди.  
Юрған йўлигингда яшайди баҳор,  
Агар сиз кўсангиз қайгу қочади.

Азалдан эрурсиз гўзаллик рамзи,  
Билинг, пойингизда жаннат мужжасам,  
Еришин чехрангиз ҳилол мисоли,  
Сиз бахтли бўсангиз дунё хотиржам.

## Қарор ва ижро

### ТЕГИШЛИ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Бугун пойтахтимизнинг қайси бир бурчагига борсангиз, турли-туман маҳсулотлар билан тўлиб-тошган дўконларга кўзингиз ташади. Улардан исталган нарсани топиш мумкин. Лекин...

Тўри, кейинги пайтларда республика-миш ҳудудига қонуний тарзда олиб кираётган озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ва эҳтиёж жуда катта. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 6 майда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарор талаблари барча масъул идоралар томонидан изчил равишда бажариб келинмоқда.

Бу борада Тошкент шаҳар Учтепа тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам белгиланган режа асосида фаолият юритиб келишяпти. Айнан юқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 15 май ҳолати бўйича оладиган бўлса, ўтказилган тадбирлар натижасида туман ҳудудидagi 35 та савдо тармоқларида қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли тартибда чоралар кўрилди. Ушбу талабларга қўра, юридик ва жисмоний шахслардан кириш ҳужжати ва мувофиқлик сифат-сертификати бўлмаган жами 21,3 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари олиб кўрилди.

Шунингдек, солиқ ходимлари ўзлари-га бириктирилган ҳудудларда жойлашган савдо тармоқларида хизмат қилаётганлар иштирокида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда унинг ижроси юзасидан тарғибот ва тушунтириш ишларини изчил ташкил этишяпти. Натихада мазкур йўналиш бўйича оқсонуний ҳолатлар рўй бериши камаймоқда.

**Абдулазиз АБДУНАЗАРОВ,**  
Учтепа туман ДСИ бўлим бошлиғи.

## МУҒАМБИР "МУХБИР"

"Кимлигини айтмади" — 16-сон

Ўтган ҳафта Андижон шаҳридаги маҳалла раисларидан бири менга кўнги-роқ қилиб, "Синглим, "Оила ва жамият" газетасидан Мухторжон Намозов деган мухбир келувди, "Мустақкам оила йили" муносабати билан мақолалар тайёрлаётган экан. Кеча кун бўйи шу йигит билан айландик" деб қолди. Мен аввалига ҳайрон бўлдим ва бундай исм-шарифдаги ҳамкасбим умуман бизнинг тахририятда ишласини билмадимми? Ишонч ҳосил қилгач, "Бирон бир ҳужжати бормикин? Сафар гувоҳномаси-чи, сўрама-дингизми?" дедим. У киши хотиржамлик билан "Билмасам, сўраш нуқулди" бўлди. Ўзи хушмуомалали, гапга устам экан, шунга..." деб жавоб берди.

"Мен шундай журналист борлигини энди сиздан эшитяпман?" дегандим, ҳалиги оқсоқолнинг гап оханги бирдан-гина ўзгарди ва: "Йўғ-е, қанақасига, нега у бизни алдайди? Туппа-тузук кийинганини кўриб ишонимиз-да. Энди нима қилсак бўларкин? Ахир, уч-тўртта хонадонларга ҳам бирга кирувдик. Атт-танг, уятга қолдик-ку энди, шунақа муғамбир мухбирлар ҳам борми..."

## Акс-садо

Маҳалла раисининг ўзгача бир ҳайрат ва алам билан айтган ушбу сўзлари ўзини қалам аҳлига заррача дахлдор деб билган ҳар қандай кишини жиддий ўйлантириб қўяди. Наҳотки, юқорида номи зикр этилган кимса (минг афсуски, бундай сохта "мухбир"лар ҳамон қаерлардадир содда одамларни алдаб юрибди) ёлғончилик, товламачиликнинг охири вой эканлигини билмасми?

Ҳар доим огоҳ, хушёр бўлган киши ҳеч қачон ютқазмайди. Шу боис яна бир бор кўзимизни каттароқ очиб ён-атрофимизга боқайлик. Биринчи навбатда ўзимизнинг қафолатлаб қўйилган ҳақ-хуқуқларимизни таниш баробарида ўзгаларнинг ҳам манфаатларини ўйлаган ҳолда иш тутайлик. Юқоридаги каби ҳолатларда эса хузуригимизга келган кишининг кимлигидан қатъи назар, шахсини тасдиқловчи ҳужжати, хизмат ва сафар гувоҳномасини сўрасак, кейин афсус чекмаймиз.

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**  
"Оила ва жамият" мухбири.  
Андижон вилояти.

## КОРХОНАНИ СОТМОҚЧИМИСИЗ?

Мен — юридик шахс мақомидаги корхона раҳбариман. Айрим сабабларга қўра шу корхонани сотишга қарор қилдик. Бунинг учун олди-сотиш шартномаси қандай тартибда расмийлаштирилади?

**Л. НОДИРОВ,**  
Наманган шаҳри.

— Корхонани сотиш шартномасига мувофиқ, сотувчи сотиб олувчига бутун корхонани мулкий комплекс сифатида топшириш мажбуриятини олади (Лекин сотувчининг бошқа шахсларга беришга ҳақли бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлари бундан мустасно).

Фирма номи, товар, хизмат кўрсатиш белгилари ва сотувчи ҳамда унинг маҳсулотини, у бажарадиган иш ёки кўрсатадиган хизматларни шахсийлаштирадиган бошқа воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари, агар корхонани сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчига ўтади.

Сотувчининг тегишли фаолият билан шугулланиши учун берилган махсус рухсатнома (лицензия) асосида олган ҳуқуқлари (агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса) корхона сотиб олувчига берилмайди. Шартнома бўйича топшириладиган корхона таркибига махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлмагани туфайли сотиб олувчи бажара олмайдиган мажбуриятларни киритиш сотувчини кредиторлар олдидаги тегишли мажбуриятлардан озод қилмайди. Бундай мажбуриятларни бажармаганлик учун сотувчи ва сотиб олувчи кредиторлар олдида солидар жавобгар бўлади.

Корхонани сотиш шартномаси маз-

## Савол-жавоб

кур корхона жойлашган ҳудуддаги давлат нотариал идорасида тасдиқланади. Ваколатли давлат органининг қарорига биноан танлов (тендер) асосида тузиладиган корхонани сотиш шартномаси нотариал тасдиқланиши шарт эмас, тарафлардан бирининг нотариал тасдиқлаш тўғрисида талаби бўлган ҳоллар бундан мустасно. Шартномани тасдиқлашда нотариусга белгиланган тартибда ҳужжатлар тақдим этилади:

Тарафлар ўртасидаги тўлов мажбуриятини кечиктириш йўли билан корхонани сотиш шартномаси расмийлаштирилган тақдирда, тўлов тўлиқ амалга оширилгунга қадар корхонани бошқа шахсга ўтказишга тегишли тартибда таъқиқ қўйилади.

Тарафлар шартномада харидорга топширилаётган корхона таркибидан алоҳида элементларни олиб ташлаш ҳуқуқига эгалар. Корхона таркибидаги бино ва иншоотлар мавжуд бўлса, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар билан бирга бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳномаси ҳам бўлиши лозим.

Шунингдек, сотиш шартномасини тасдиқлашда нотариус томонидан корхона жойлашган ҳудуддаги давлат нотариал идорасидан корхонани бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги текширилади.

Корхонани сотишда унинг таркибидан автоматотранспорт воситалари мавжуд бўлган ҳолларда, автоматотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш қоидалари қўлланилади.

**Саволга Наманган шаҳридаги  
9-сонли ДНИ нотариуси  
Дилоромхон ИМИНЖОНОВА**  
жавоб берди.



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

## НАФОСАТ БАЙРАМИ

Тошкентда бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва "Happy Caravan" халқаро турнири ниҳоясига етди.

Кўпураш бахслари бўйича биринчи ўринни россиялик Александра Меркулова қўлга киритди. Кумуш медалга исроиллик Нета Ривкин, бронза медалига эса қозогистонлик Анна Аля-



бева сазовор бўлди. Гуруҳ машқларининг "уч тасма, икки халқа" ва "беш тўп" деб ном олган турини бажаришда юртимиз спортчилари тўртинчи ҳамда бешинчи ўринни эгаллади.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ўсмирлар ўртасидаги "Happy Caravan" халқаро турнирида иштирок этган ёш спортчиларимиз ҳам ўз маҳоратини намойиш қилишди. Равиля Фахрутдинова тўп ва халқада машқ бажаришда кумуш ҳамда бронза медалларига, Валерия Давидова эса тасма билан машқ бажаришда бронза медалига сазовор бўлди.

Умумжамоа ҳисобида Россия биринчи, Беларусь жамоаси иккинчи, Ўзбекистон ёш гимнастикачи қизлари учинчи ўринни банд этди.

## РОССИЯ

### ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Хоккей бўйича Финляндия майдонларида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати якунига етди.

Гуруҳдаги илк ўйини билан мутахассисларнинг танқидига учраган рус хоккейчилари турнир давомида бирор марта мағлубиятга учрамади. Гуруҳдаги барча учрашувлари галаба билан якунлаб, чорак финалда Норвегияни, ярим финалда эса мезбон Финлянди-яни енгиб, финалга йўл олганди.

Унинг финалдаги рақиби Канада, Чехия каби кучли жамоаларни мағлубиятга учратган Словакия бўлди.

Финалда Россия термаси словакларни йирик ҳисобда (6:2) енгилди ва жаҳон чемпиони деган юксак эътирофга сазовор бўлди.

## «ЧЕЛСИ» КУБОКНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Германиянинг Мюнхен шаҳрида жойлашган "Альянс Арена" стадионида "Бавария" ҳамда Лондоннинг "Челси" жамоалари ўртасидаги Европа Чемпионлар лигаси финали бўлиб ўтди.

Қизиқарли кечган учрашунинг асосий ва қўшимча таймларида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Пенальтилар сериясида эса "Челси" жамоаси галаба қозониб, Чемпионлар лигаси ғолибига айланди.

Интернет манбалари асосида  
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлбизмалар муаллифларга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти — 15:00  
Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Абдумажид АЗИМОВ  
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ  
Мусаҳҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темурут кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга  
олинган. Буюртма Г — 528. Формати А-3,  
ҳажми 2 табоқ. Адади — 10255. Баҳоиси кели-  
шилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5